



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 5 » sentabr

№ 450

Toshkent sh.

### Аҳолининг ижтимоий эҳтиёждандай тоифаларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бандлигига кўмаклашиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги  
Қонунига мувофиқ, шунингдек, аҳолининг ижтимоий эҳтиёждандай  
тоифаларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бандлигига кўмаклашиш  
ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни  
ишга жойлаштиришни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Мажкамаси  
қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик  
вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Ички ишлар вазирлигининг  
**2023 йил 1 октябрдан бошлаб** Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси  
маблағлари ҳисобидан жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган  
шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга (бюджет ташкилотлари,  
давлат корхоналари, устав (фонди) капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан  
ортиқ бўлган юридик шахслар бундан мустасно) ҳар бир шахс учун уч ойдан  
ортиқ муддатда меҳнат фаолиятини давом эттиргандан сўнг базавий  
ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида бир марталик субсидия  
ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

#### 2. Куйидагилар:

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсни ишга  
қабул қилган иш берувчилар томонидан субсидия олиш учун мурожаат  
қилиш ҳамда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари  
ҳисобидан субсидия ажратиш тартибини назарда тутувчи **Жазони ижро**  
**етиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга қабул қилган**  
**иш берувчиларга** Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси  
маблағлари ҳисобидан субсидия бериш тартиби тўғрисидаги низом  
1-иловага мувофиқ;

**Аҳолининг ижтимоий эҳтиёждандай тоифаларини қўллаб-  
қувватлаш ва уларнинг бандлигига кўмаклашиш бўйича “йўл харитаси”**  
2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Солиқ кўмитаси **икки ой муддатда 2025 йил 1 январга қадар** тадбиркорлик субъектларига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларнинг назоратда бўлган (пробация) даврида меҳнатга ҳак тўлаш тарзидаги даромадлари бўйича тўланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисобот ойидан кейинги ойнинг **25-санасидан кейин** қайтариб бериш тизимини жорий этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги **2023 йил 1 октябрдан бошлаб:**

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия бериш;

“Ишга марҳамат” мономарказлари ва касб-хунарга ўқитиш марказларида жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга касб-хунар ва тадбиркорлик кўнималарини ўргатиш;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ташкилотлардаги мавжуд бўш (вакант) ҳамда захирага қўйиладиган иш ўринларига ишга жойлаштириш тизимини йўлга қўйсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги **бир ой муддатда** хукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг олий таълим муассасаларида жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга масофавий таълим шаклида хорижий тилларни ўргатиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

Бунда худудий меҳнат органлари томонидан рўйхатга олинган ишсиз ва иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган фуқароларни тадбиркорлик кўнималари ва хорижий тилларга ўқитиш, касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўғридан-тўғри шартномага асосан бепул амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** тегишли вазирлик ва идораларнинг маълумотлар базасини “**Бандлик хизмати**” ахборот тизимига интеграция қилиш орқали таълим муассасалари битирувчилари ва жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларнинг бандлик ҳолатини доимий мониторинг қилиб бориш тизимини жорий этсин.

Бунда битирувчилар ва жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларнинг бандлик ҳолатини реал вақт режимида аниқлаш имкониятини яратиш назарда тутилсин.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Миллий ахборот агентлигига мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти кенг ёритилишини ва аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига етказилишини таъминлаш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б.А.Мусаев ҳамда ички ишлар вазири П.Р.Бобожонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири

А. Арипов



Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “5” сентябрдаги 450-сон қарорига  
1-илова

**Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга  
қабул қилган иш берувчиларга Бандликка кўмаклашиш  
давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан  
субсидия бериш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари ҳисобидан субсидия бериш тартибини белгилайди.

2. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга (бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар бундан мустасно) ҳар бир шахс учун уч ойдан ортиқ муддатда меҳнат фаолиятини давом эттиргандан сўнг базавий ҳисоблаш микдорининг уч баравари микдорида бир марталик субсидия берилади.

3. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга субсидия туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари (кейинги ўринларда – маҳаллий меҳнат органи) томонидан мазкур Низомга иловага мувофиқ схема бўйича берилади.

**2-боб. Субсидия бериш тартиби ва шартлари**

4. Иш берувчилар жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсни ишга қабул қилгандан сўнг уч ойдан ортиқ муддатда меҳнат фаолиятини давом эттиргандан кейин субсидия олиш учун тегишли маҳаллий меҳнат органига ёзма равишда ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қиласи.

Мурожаатда ишга қабул қилинган жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, иш берувчининг субсидия тўлаб берилиши лозим бўлган ҳисобварағи кўрсатилиши, шунингдек, мурожаатга жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахснинг ишга қабул қилинганини тўғрисидаги буйруқ нусхаси илова қилиниши шарт.

5. Маҳаллий меҳнат органи иш берувчи томонидан субсидия олишини сўраб тақдим этилган хужжатларни уч иш куни ичида ўрганиб чиқади. Бунда жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахс билан тузилган меҳнат шартномаси “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексидан (кейинги ўринларда – “ЯММТ” ИДАК) рўйхатдан ўтказилганлиги ҳамда унга камида уч ой мобайнида иш ҳақи тўланганлиги тўғрисидаги маълумот Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солик қўмитасининг ахборот тизимларида (кейинги ўринларда – Солик қўмитасининг ахборот тизимлари) мавжудлиги субсидия бериш учун асос ҳисобланади.

6. Иш берувчи томонидан хужжатлар тўлиқ тақдим этилиб, барча зарур маълумотлар кўрсатилган ва жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахс билан тузилган меҳнат шартномаси “ЯММТ” ИДАКда рўйхатдан ўтказилганлиги ҳамда унга камида уч ой мобайнида иш ҳақи тўланганлиги тўғрисидаги маълумот Солик қўмитасининг ахборот тизимларида мавжудлиги тасдиқланган тақдирда, маҳаллий меҳнат органи уч иш куни ичида иш берувчига жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсни ишга қабул қилганлиги учун субсидия бериш тўғрисидаги буйруқни расмийлаштиради. Буйруқда субсидия миқдори ва уни ажратиш муддати кўрсатилиши лозим.

7. Хужжатлар ушбу Низомнинг 4-бандига мувофиқ тўлиқ тақдим этилмагани ёки жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахс билан тузилган меҳнат шартномаси “ЯММТ” ИДАК да рўйхатдан ўтказилмаганлиги ҳамда унга камида уч ой мобайнида иш ҳақи тўланганлиги тўғрисидаги маълумот Солик қўмитасининг ахборот тизимларида мавжудлиги эмаслиги аниқланса, маҳаллий меҳнат органи субсидия ажратишни рад этади ва мурожаатчига рад этишнинг сабаблари асосланган хабарномани юборади.

8. Иш берувчи маҳаллий меҳнат органининг субсидия ажратишни рад этиш тўғрисидаги буйруғидан норози бўлса, юқори турувчи органга ёки суд органларига шикоят қилиши мумкин.

9. Маҳаллий меҳнат органининг субсидия ажратиш тўғрисидаги буйруғига асосан беш иш куни ичида иш берувчига жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ҳар бир шахсни ишга қабул қилганлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида бир марталик субсидия ҳисобварағига ўтказиб беради.


### **3-боб. Якунловчи қоидалар**

9. Ушбу Низомда ажратилиши белгиланган субсидияни олаётган иш берувчилар бир вактнинг ўзида қонунчилик хужжатларида белгиланган, шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар бандлигига қўмаклашишга қаратилган бошқа турдаги субсидияларни ҳам белгиланган тартибда олишга ҳақли.

10. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга Бандликка күмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия бериш тартиби тұғрисидаги низомга илова

**Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга субсидия ажратиш СХЕМАСИ**



Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “5” сентябрдаги 450-сон қарорига  
2-илова

**Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд айрим тоифаларини қўллаб-кувватлаш  
ва уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича  
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

| T/p | Чора-тадбир номи   | Амалга ошириш механизми   | Амалга ошириш шакли   | Молиялаштириш манбай | Ижро муддати | Масъул вазирлик ва идоралар  |
|-----|--|---|-----------------------|----------------------|--------------|--|
| 1.  | Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий қўллаб-кувватлаш, мослаштириш ва уларни фаол ҳаётга жалб этиш.               | 1. Маҳаллалардаги “бешлик” томонидан жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларнинг оиласи шароитини, турмуш даражасини ўрганиш.<br>2. Маҳаллалarda давра суҳбатлари, учрашувлар ва бошқа тарғибот тадбирлари ўtkазиш орқали уларнинг онгига фаол, соғлом турмуш тарзини сингдириш бўйича профилактика тадбирларини ташкил этиш.  | Амалий чора-тадбирлар | -                    | Доимий       | Ички ишлар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Маънавият ва маърифат маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, сектор раҳбарлари |
| 2.  | Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ижтимоий мослаштириш ва уларнинг бандлиги таъминланиши юзасидан мониторинг олиб бориш. | 1. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларнинг ижтимоий мослаштирилганлиги ва бандлик ҳолатини маҳаллалардаги участка профилактика нозирлари ҳоким ёрдамчилари, маҳалла фуқаролар йигинлари раислари, хотин-қизлар фаоллари ва ёшлар етакчилари билан биргаликда мониторинг қилиб бориш.<br>2. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларнинг ижтимоий мослаштирилганлиги ва бандлиги таъминланиши юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотларни ҳар чоракда умумлаштириб бориш. | Амалий чора-тадбирлар | -                    | Ҳар чоракда  | Ички ишлар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, сектор раҳбарлари                                |

| Т/р | Чора-тадбир номи  | Амалга ошириш механизми  | Амалга ошириш шакли              | Молиялаштириш манбай                              | Ижро муддати      | Масъул вазирлик ва идоралар   |
|-----|---|--|----------------------------------|---|-------------------|---|
|     |   | 3. Умумлаштириш натижасида аниқланган жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ижтимоий мослашмаган ва бандлиги таъминланмаган шахслар билан алоҳида манзилли ишлаш. Бунда зарур ҳолатларда психологларни жалб қилиш.   |                                  |   |                   |   |
| 3.  | Ҳар йили туман (шаҳар) ҳокимларининг аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд айrim тоифаларини ишга жойлаштириш учун иш ўринларини захирага қўйиш бўйича қарорларини қабул қилиш. | <p>1. Кейинги йил учун захира қилинадиган иш ўринлари бўйича корхона ва ташкилотларнинг таклифларини Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари томонидан умумлаштириш ҳамда тегишли қарор қабул қилиш учун туман (шаҳар) ҳокимликларига киритиш.</p> <p>2. Туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд айrim тоифаларини ишга жойлаштириш учун иш ўринларини захирага қўйиш бўйича қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.</p> | туман (шаҳар) ҳокимлик қарорлари | -   | Ҳар йили 1 ноябрь | Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, туман, шаҳар ҳокимликлари, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги |
| 4.  | Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни доимий ва вақтинча иш ўринларига ишга жойлаштириш чораларини кўриш.   | <p>1. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларга мавжуд бўш (вакант) ва захирага қўйилган иш ўринларини таклиф этиш ва уларни ишга жойлаштириш чораларини кўриш.</p> <p>2. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни вақтинча ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этишга таклиф қилиш ва ишлаш истагини билдирганларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш чораларини кўриш.</p>  | Амалий чора-тадбирлар            | Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари | Доимий            | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари      |

| T/р | Чора-тадбир номи  | Амалга ошириш механизми  | Амалга ошириш шакли   | Молиялаштириш манбаи   | Ижро муддати | Масъул вазирлик ва идоралар  |
|-----|---|--|-----------------------|--|--------------|--|
| 5.  | Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-хунарга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини ташкил этиш.                                  | <p>1. Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари томонидан жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни йўлланма билан касб-хунарга тайёрлаш ўкув курсларига юбориш.</p> <p>2. “Ишга марҳамат” мономарказлари ва касб-хунарга ўқитиш марказларида касб-хунарга ўқитиш ишларини амалга ошириш.</p>  | Амалий чора-тадбирлар | Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари  | Доимий       | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари   |
| 6.  | Хукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг олий таълим муассасаларида жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга масофавий таълим шаклида хорижий тиллар ўкув курсларига юбориш. | <p>1. Профилактика инспекторлари билан узвий ҳамкорликда жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга масофавий таълим шаклида хорижий тиллар ўкув курсларига юбориш.</p> <p>2. Хукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг олий таълим муассасаларида масофавий таълим шаклида хорижий тилларни ўргатишни ташкил этиш.</p>  | Амалий чора-тадбирлар | Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари  | Доимий       | Ички ишлар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, сектор раҳбарлари  |
| 7.  | Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларга субсидиялар бериш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-куватлаш чораларини кўриш.        | <p>1. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларга бандликни рағбатлантирувчи субсидиялар ажратиш.</p> <p>2. Ажратилган маблағларнинг мақсадли ва самарали ишлатилишини мониторинг қилиб бориш.</p> <p>3. Тадбиркорлик фаолиятига қизиқини бўлган шахсларни ҳоким ёрдамчиси, Савдо-саноат палатасининг худудий бўлимлари, шунингдек тиҷорат банклари билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятини бошлишига кўмаклашиш.</p> | Амалий чора-тадбирлар | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги мақсадли жамғармалари ҳамда тиҷорат банклари маблағлари | Доимий       | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, тиҷорат банклари, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, сектор раҳбарлари |

